

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Кун иқтибоси

Антониу ГУТЕРРИШ, БМТ Бош котиби:

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – МИНТАҚАДАГИ КҮПРИК ЎРНАТУВЧИ ТАШАББУСКОР, ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

- Биз билар эдикки, бир пайтлар Марказий Осиёда тарқоқлик кенг илдиз отган эди. Бугунги кунда эса минтақада янгича мухит яратилди. Бу, албатта, дүстлик, хурмат ва масалаларни ҳамжатликада күрбіл чиқып, мавжуд кийинчиликларни биргаликда енгіп үтишга асосланған мухит бўлди.

Жуда күп инсонлар

Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг ҷоријати давомида минтақадаги күприк ўрнатувчи ташаббускор, тинчлик элчиси десам, муболага бўлмайди. Айни вактда адолатга асосланган фаровонликни ташкил қилиш ва уни ўрнатиш бўйича жуда фаол иш олиб бормоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш максадларига тўла уйғуна.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевни фаоли-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозогистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг наебатдаги мажлиси ва «ШХТ плюс» форматидаги учрашувда шитирок этиши учун 3-4 июль кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.



2024 йил 5-6 июно

ЗОМИН ДУНЁ НИГОХИДА



>>> 4



«ШАРҚ ЭРТАГИ»

ДЕБ НОМЛАНГАН САЁХАТ

Тошкент вилояти Бўstonлиқ туманинг сўлим оромгоҳида ҳордиқ чиқарган россиялик болалар Ватанига қайтиши.

Kуни кечада уларни Ўзбекистон касаба үшумлари саройида Федерация масъуллари илик кутиб олиши.

«Анор» болалар соғломлаштириш оромгоҳидаги 14 кунлик дам олиш болажонларга ёққани шундок кўриниб турарди. Юзлар кўчёда тобланган, кўзларида бир олам таассуротлар ёниб турган йигит-қизлар дастлаб саройни томоша қилиши. Концерт залида намойиш этиладиган дастурлар ҳақида маълумотлар олиши.

Шундан сўнг меҳмонлар «Томоша» болалар мусикий театр-студиясига ташриф буюриши. Уларга гурух аъзолари томонидан тайёрланган мароқли дастур намойиш этилди.

Ажойиб дастурхон безатилган хайрлашув кечасида Ўзбекистон касаба үшумлари Федерацииси раиси Кудратилла Рафиқов кичконтойларга фахрий ёрликлар ва эсдалик

совгалири топшириди.

- Бу саёхатимизни «Шарқ эртаги» деб номласак бўлади, - деди Россия мустақил қабаба үшумлари Федерацияси вакили Анастасия Анисимова. - Бу инсоний лойиҳанинг ташкилотчиларира раҳмат айтамиз!

Болаларнинг кувончи чексиз. Улар ҳаққиёнат болаликни ҳис қилиши. Телефон ва ижтимоий тармоқлариз ҳаётнинг накадар гўзаллигини англашди. Оромгоҳдаги турли тадбирларда фаол иштирок этиши. Бу саёхат уларга чиройли хотира ва таассуротлар улашиди. Болажонлар кўёшли ва меҳмондуст ўлка - Ўзбекистонга яна қайтишларини ботбот такрорлашиди.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА,
Диёрбек ФАНИЕВ (фото),
«ISHONCH» муҳбирлари



ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА ЙЎЛ

«Париж – 2024» олимпиадасида қатнашиши хукуқини берувчи лицензияни кўлга киритган юртимиз спортчилари орасида Ўзбекистон касаба үшумлари Федерацияси тизимида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари бўлинмаларида шугулланаб, маҳоратини ошираётган ҳамда катта ютуқларга эришаётган спортчилар ҳам бор. Бўлаҳак олимпиада олдидан Ўзбекистон касаба үшумлари Федерациясида 13 нафар ана шундай спортчи ва уларнинг мураббийлари билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда профессионал спорчиларни тайёрлаш бўйича узлуксиз тизим яратилганди. Натижада мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобакаларида юксак ғалабаларни кўлга киритиб, Ўзбекистон спорти салоҳиятини бутун дунёга намоён қилишмокда. Тадбирда иштирок этган касаба үшумла спортчилари орасида Олимпия, Жаҳон, Осиё чемпионлари хам борлиги бугун ёрқин мисол бўла олади.

- Дарҳақиқат, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга нюхоятда катта эътибор каратилмоқда, - деди Ўзбекистон миллий терма жамоси аъзоси, ҳалқаро тоифадаги спорт устаси, иккى карга жаҳон чемпиони Акбар Жўраев. - Биз

эса бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юртимиз байроғини янада баландроқ кўтаришга ҳаракат кильмокдамиз. «Париж – 2024» олимпиадасида хам энг юкори натижаларни кўлга киритиб, Президентимиз ва ҳалқимиз ишончини оқлаш учун бор куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни аямаймиз.

Шу ўринда эслатиш жоизки, Ўзбекистон касаба үшумлари Федерацияси спортчилари Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ва паралимпия ўйинларига иштирок этиш учун 13 та лицензияни кўлга киритиши. Жумладан, 2 та оғир атлетика, 2 та байдарка ва каноэда эшкак эшиш, 1 та сувга сакраш, 1 та академик эшкак эшиш, 1 та енгил атлетика ва 6 та параканоэда эшкак эшиш

тадбир ниҳоясида учрашувга таклиф килинган спортчи ёшлар ва уларнинг мураббийлари Ўзбекистон касаба үшумлари Федерацияси томонидан рафтаглантирилди.

Ўзбекистон касаба үшумлари Федерацияси Матбуот хизмати



БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ва Соглиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши билан ҳамкорликда ёш тибиёт ходимлари ўртасида «Касаба уюшма кубоги» учун «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.

Билимлар беллашувидаги тибиёт муассасаларидан меҳнат қиласдан ёш ходимлардан иборат 22 та жамоа иштирок этди. Якунда соволларга аниқ ва түғри жавоб давлат жамоалар фалаба қозонди.

- «Галаба куилиларга бокади», деган гап бор, - дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Шоҳидахон Каримова. - Касаба уюшма кубоги бир неча ой олдин 1 минг 700 нафар ишчи-ходим ва талабалар билан касаба уюшма сафига кўшилган Фарғона шахридаги Central Asian Medical University ҳалқаро тибиёт университетининг «САМУ» жамоасига наисбет этиди. Иккичи ўринни Олтиариқ тумани тибиёт бирлашмасининг «Олтиариқ шифокорлар» жамоаси, учинчичи ўринни Ёёвон тумани тибиёт бирлашмасининг «Шифокорлар» жамоаси кўрга киритди.

Голиб жамоалар Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

* * *

«ТАЛЬГО» ҒОЛИБ

«Темирйўлэхспресс» акциядорлик жамияти ишчи-ходимлари ўртасида 30 июн - Ьшлар куни байрами муносабати билан «Заковат» интеллектуал турнири бўлиб ўтди. Корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган турнирда цех ва бўлимлар ходимларидан иборат «Тальго», «Афросиёб», «Ёш темирйўлчилар», «Локомотив» ҳамда «Марказий бошқарма» жамоалари қатнашди.

Муросасиз, ҳаяжонли ва қизғин кечган беллашувда биринчи ўринни «Тальго», иккичи ўринни «Афросиёб» ва учинчичи ўринни «Локомотив» жамоалари ғаллали.

- Мазкур ўйинни ўтказишдан мақсад корхонада фаoliyati юритаётган ишчи-ходимлар, айниқса, ёшларнинг интеллектуал ва профессионал билим даражаси, маънавий-ахлоқий савијасини ошириш, шунингдек, бу борада билимли ва салоҳиятли ходимларга иктидорини намоён этиш учун етарлича шарт-шароитлар яратиш, мутолаа билан кўпроқ шугулланб, билим олишга интилишларини рағбатлантиришдан иборатидир, - дейди корхона раҳбари Дилшод Ҳожиакбаров.

Голиб ва турнири иштирокчилари фахрий ёрдами ҳамда қимматбахо совғалар билан рағбатлантирилди.

Нодира РАМАЗОНОВА,
«Темирйўлэхспресс» акциядорлик жамияти бошлангич касаба уюшма қўмитаси раиси

Эътибор

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаситизимидағи «Максам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятининг 50 нафар ёш ходими учун Тошкент шаҳри бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Бўгунги кунда мазкур корхонада 1056 нафар ёш ходим фаoliyati юритмоқда. Уларни маънавий-маърифий кўллаб-куватлари максадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамияти ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигидага тармоқ тизимида «Заковат» интеллектуал ўйинлари, «Жаҳолатта қарши маърифат» мавзусида учрашувлар, шунингдек, соғломлаштириш тадбирлари ва спорт мусобақалари ўткашиб келинмоқда. Ёш ходимларининг Тошкент шаҳрига саёҳати ҳам маънавий-маърифий ишларнинг давоми бўлди.

Саёҳат давомида ёшлар пойтахтимизнинг бир қатор тарихий ва кўнгилочар манзилларида бўлишида ва айни кунларда юртдошларимизнинг эътирофларига сазовор бўлаётган «Баҳодир Ялангтўш» тарихий-бадиий фильмини томоша килдилар.

Ёш ходимлар саёҳатдан бой таассуротлар билан кайтдilar.

Шавкат ТОИРОВ,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Усмонлисой - Зомин туманидаги сўлим қишлоқпардан бири. Сарбаланд қоялар орасидаги ушбу қишлоқ мусафро ҳавоси, зилол сувлари ва гўзали табиати билан ажralib турди. Шунинг учун бу ерда кўнгилочар ва дам олиш масканлари кўп. «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ана шу манзилгоҳда жойлашган. Бугун ушбу масканда 200 нафар ўғил-қиз дам олмоқда.

Эрта тонгдан сўлим оромгоҳи ҳўйнинда ҳаёт қайнайди. Спорт тўғракларида ўйинлар авжига чикади. Сунъий қопламали стадионда мини-футбол ўйинларини кузатётган ишқозлар хайкириги дилларни жунбушга келтиради. Волейбол майдончасида эса қизлар жамоаси ғолиблар учун бор маҳоратларни ишга солмоқда. Шахмат таҳтаси атрофида ўғил-қизлар ўйга чўйидан, дона суради. Маданий-маърифий тадбирлар режа асосида давом этади.

Биз келган кун «Заковат» му-

Мехнат муҳофазаси

«Сирдарё ИҶС» акциядорлик жамияти ўлон қылган хавфсизлик техникин кўришларини марказлашган таъмиглаш ўтишади

ФОЙДАЛИ

МАШҒУЛОТЛАР



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази ходими Қоғири тушди. Унда қайд этилишича, аризачи ушбу ташкилотда 1991 йилдан бўён ишлаб келган. Ўзвафисига масъулият билан ёндашгани сабабли ўтган давр мобайнида бирор марта ҳам меҳнат интизомини бузмаган. Лекин иш берувчи кейинги пайтларда негадир уни ишдан бўшатишга аҳд қилган ва бир неча бор ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздиришга уринган. И. Солижонов рози бўлмагач, аризани мажбурлаб ёздиришган...

Исломjon Солижонов ўз аризасида меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилганини таъкидлаб, ишга тикланишида ёрдам сўраган. Мурожаат томонлар таҳдим этган хужжатларга кўра жамоатчилик асосида ўрганиб чиқиди. Натижада Фарғона вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказининг 2024 йил 17 апрелдаги бўйруғига биноан Исломjon Солижонов билан тузишган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 160-моддаси, 8-бандига асосан ходим ташаббусига кўра бекор қилингани, бўйруқка И. Солижоновнинг аризаси, тарафлар ўтасидаги келишиш ҳамда Меҳнат кодексининг 160-моддаси асос қилиб олингани, бироқ бўйруқ амалдаги меҳнат конунчилигига зид экани мальум бўлди.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилиши тартибида солувчи конунларнинг

ҶУВНОҚ ЎТАР ҲАР БИР КУН

Ёзги согломлаштириши



собакаси бўлаётган экан. Унда 7 та жамоа ўз билимларини синовдан ўтказиши. Тарбиячилар болажонларни ўйлашга, мантикий фикрлашча чорловчи саволларни тизиб ташлади: «Қайси ҳолатда 2 га қараб, 10 деймиз?», «Столнинг тўрт бурчаги бор, бир бурчагини кесиб ташласак, неча бурчак қолади?»

Барча маънавий-маърифий тадбирлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департамент тавсия ва кўрсатмалари асосида олиб борилмоқда, - дейди оромгоҳи раҳбари Улугбек Аманов. - Тўрт навбат давомида 800 нафар ўғил-қизнинг дам олиши учун барча имкониятлар етарили.

Кўёш ботиб, оромгоҳ ҳовлиси элекр ёртиклилар ёрдамида янада нурағишон бўлди. Тадбирлар майдончаси - кичик саҳнада томошалар давом этди. «Ўзбекистон кунларни» мавзусида 7 та гурух 7 та вилоятнинг кўйфасини акс эттири.

- Бизга Андижон вилояти тушди, - дейди Ҳожиакбар Умматуллаев. - Мен ушбу вилоят хақида ҳилгани паримини гапириб бердим. Шундан сўнг юргизмизда машҳур «Андижон полкаси» мусиқасига раксга тушдик. Дам олишимиз мана шундай марокли ўтмоқда. Табиат гўзалигига гап йўқ. Таомлар ҳам бизга жуда манзур.

Болажонларни хушӯр ва тўйимли таомлар билан таъминлашда бош опаз Мұхабbat Нурматова бошчилигидаги ходимларнинг хизмати катта. Озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда устидан катъий назорат ўрнатилган. Ўғил-қизлар ёз ноз-незматларни, сутли маҳсулотлар ва шифобаҳш дамламалардан баҳраманд бўлишмоқда.

Абдусаттор СОДИКОВ

«СОҲИЛ»ДА ЗАВҚЛИ ТАЪТИЛ

«Ўзметкомбинат» АЖ тасарруфидаги «Соҳил» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бугун болалар билан гавжум. Ушбу масканда 140 нафар ўғил-қиз мароқли дам олмоқда. Умумий ҳисобда мавсум мобайнида 700 нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Сўлим ва экологик тоза худудда жойлашган оромгоҳда қўйлай шарт-шартройт яратилган. Дам олувчиларнинг вакти марокли ўтиши учун турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, инглиз тили, робототехника тўғракларни ҳам йўлга кўйилган. Маҳоратли ва тажрибали тарбиячилар, кўли ширин ошпазлар болаларга меҳ бериб, сидқидилдан хизмат килмоқда.

Амир АХМЕДОВ

ўкув-семинарлари, амалий маҳсулотлар, цех ва бўйимлар ўтасида қасб маҳорати ташловлари ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимларни билан ҳамкорликда ўтказилган ўкув маҳсулотлари ҳам жуда фойдаланишади.

Зикрилло АТАЕВ,
«Сирдарё ИҶС» акциядорлик жамияти Марказлаштирилган таъмилаш ўтиши бошлиги

Касаба уюшмаси аралашгач...

ХОДИМ ФОЙДАСИГА 32 МИЛЛИОН 705 МИНГ СҮМ УНДИРИЛДИ



огоҳлантирган ҳолда бекор қилишга ҳақли» экани кўрсатилган. Иш беरувчининг бўйруғи кабул килинишида эса И. Солижоновнинг ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиш ҳақидаги аризаси хамда 2024 йил 17 апрелдаги тарафлар келишивага асосан 2024 йил 17 апрель кунидан бекор қилиш баён этилган бўлса-да, ўрганишлар чоғида бу ариза в келишув битими 2024 йилнинг 18 апрель куни ёзилтирилган.

Бинобарин, И. Солижонов ишдан ноҳаҳ бўштасиган. Шу боис тўпландиган барча маълумотлар судга таддим этилди. Суднинг хал килив юрига кўра, миллий марказнинг 2024 йил 17 апрелдаги бўйруғи бекор қилиниб, Исломjon Солижонов ўз лавозимига тикланди. Шунингдек, мажбурий прогул кунлари ва маънавий зарар учун иш беरувчидан унинг фойда-сига жами 32 млн. 705 минг сўм ундириб берилди.

Авазхон ТЎРАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бош юрисконсульти

ЗОМИН дунё нигоҳида

МАҚОМ – ШАРҚ ХАЛҚЛАРИНИНГ, ХУСУСАН, ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ ФАЛСАФИЙ МУСИҚАСИ. МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИМIZНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ БҮЛГАН БУ САНЪАТ ТУРИ КҮП АСРЛИК ТАРИХ ВА ТЕРАН ИЛДИЗЛАРГА ЭГА.
КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ВА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН МАҚОМ
САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОКДА.
27-30 ИЮН КУNLARI ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЗОМИН ТУМАНИДА ЮНЕСКО ВА
АЙСЕСКО ШАФЕЛИГИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛГАН «II ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИ»
АНА ШУ ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИДИР.

дан ортиқ давлатдан 70 нафардан зиёд олим иштирок этди.

Ялпли мажлисларда экспертлар мақомга оид ўнга яқин мавзуларда чиқишилар килиши. Бундан ташкари, танлини мутахассислар томонидан бир канча маҳорат дарслари хам ўтказилди, буларнинг барчаси мақом санъатининг дунё бўйлаб ривожига алоҳида хисса кўшади.

Шарқ мумтоз мусиқа санъатининг гўзал намунаси бўлған мақомнинг дунё миқёсидаги муносаби ўрнини яна бир бор намоён этган ушбу анжумандада 80 га яқин давлат ва халқаро ташкилотлардан 400 нафардан ортиқ санъаткор, мусиқашунос, мутахассис, олим ҳамда ОАВ вакили шитирок этди. Тўрт кун давомидаги дунё нигоҳи Зоминда бўлди.

Ўзининг яшилликка бурканган пурвикор тоглари, бетакрор табиати, сўлум гўшалари билан оламга донг таратган Зоминда – анжуман муносабати билан эртакнамо безатилган «Зоминой»да тўрт кун давомидаги тарафлар макомнинг сехрли оҳангларини дунё тинглади, дунё кузатди.

Шарқ мумтоз мусиқа санъатининг гўзал намунаси бўлған мақомнинг дунё миқёсидаги муносаби ўрнини яна бир бор намоён этган ушбу анжумандада 80 га яқин давлат ва халқаро ташкилотлардан 400 нафардан ортиқ санъаткор, мусиқашунос, мутахассис, олим ҳамда ОАВ вакили шитирок этди. Тўрт кун давомидаги дунё нигоҳи Зоминда бўлди.

...Зомин тоғлари узра оқшом чўка бошлади. Ўзгача киёфага кирган «Зоминой» мажмуасидаги амфитеатрда «Халқаро мақом санъати анжуманинг» тантаналичили маросимида чорлов мусиқаси янгради. Сахнага тадбирда иштирок этиётган мамлакатлар вакилари тақиғат этилди. Анжумандада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди ва нутхат сўзлари.

- Бизнинг қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, азалий қадриятларимизнинг рамзи бўлган мақом санъати тераң фалсафий илмизлари, бетакрор бадиий усули ва бой ижодий анъаналари билан маънавий ҳаётимизди мухим ўрин ёззалиди. Мақом – умумбашарий түбүлурларни авж пардаларда тараннум этадиган нодир санъат тури сифатидаги ҳам биз учун гоят қадрлидир, – деди Назарбеков.

Дастур доирасида ўтказилган мақомчилар танловида санъаткорларнинг юралларни сел килар даражадаги хонишлари барчага мансур бўлди. Айниқса, Эрон, Озарбайжон, Тоҷикистон ва ортимиз мақомчиларининг чиқишилар мумтоз санъат ихломсандлари кўнглидан жой одди.

- Ўзбекистонда биринчи маротаба бўлишим. Лекин бу давлатга кўшини Киргизистон ва Қозоғистонда бўлғанман. Ушбу давлатларда ўзимнинг шахсий ижодий учрашувларни ҳам ўтказилган. Ростикин айтсан, Ўзбекистондаги мазкур халқаро анжуман мен учун хозирча энг катта форматдаги лойҳа хисобланди. Ўзбек мақомида хинди мусиқаси билан чамбарчас боғликлар, ўхшашлик кўй эканини бир мусиқашунос сифатидаги кўрдим. Бу мен учун жуда кувонарли ҳолат, янгилик бўлди. Дунё мусиқасида мақомнинг ўз ўрни бор. Бу анжуман мақомни дунё бўйлаб янада кенг тарғиб килишда мухим аҳамият касб этади, – деди Дехзидаги Катандекор институти ўқитувчisi, сектор сози бўйича мутахassis Али Фатех.

- Халқаро анжуманга юкори савияда тайёргарлик кўрилгани шундеккина кўриниб турди. Ўзбекларнинг ажойиб урф-одатлари, ўзига хос маданияти ва санъатига шахсан мен койил қоддим. Ушбу анжумандада ҳакам сифатида иштирок этидим. Голибларни аниқлаш менга ҳам, дўстларимизга ҳам осон бўлмади. Чунки моҳир ижроҷилар кўп экан, – деди Турк мусиқаси давлат консерваторияси Турк санъати мусиқаси бўлими ўқитувчisi, профессор Несрин Фейз ўғли.

Анжуманни маҳаллий ҳамда чет эллик журналистлар эмрин-эркин ёритиши учун Матбуот марказидан барча шароитлар яратиб берилди. www.maqomforum.uz сайти ишга туширilib, ундан тадбир хакида нафакат энг сўнгиги янгилик ва маъдумотларни, балки фото ва видеоматериалларни ҳам олиш мумкин бўлди.

Замонавий комп’ютерлар, юкори тезлика эга интернет, wi-fi тармоғидан фойдаланган журналистлар анжуман хакида дунёга узлуксиз хабарлар бериб боришид.

- Шарқ мамлакатлари мусиқасини мақомсиз тасаввур килиб бўлмайди. Мақомни хоziргi кунда асосан ўрta ёш ва ёши катта инсонлар кўпроқ ёритиши. Энди уни ёш авлодга ҳам сингдириш пайти келди. Ўзбекистонда мақом марказлари ташкил этилган кувонарли ҳолат, албатта. II Халқаро мақом анжуманинг очилиш маросимида давлатнинг раҳбарининг сўзга чиқиб, Ўзбекистонда мақом санъатини ривожлантириш борасидаги билдирган фикр-мулоҳазалари ҳар қанча таҳsinga лойик, Ҳемак, Ўзбекистонда мақомнинг ёртуши бор, бўлгандага ҳам, ёруғ ва бардавом.



Кўлга киритди. Голибларга 10 минг АҚШ долларидан мукофот берилди.

Иккинч ўринин Ўзбекистон Маком марказининг Жиззах худуди бўлими мақом ансамбли ҳамда Туркия давлати яккахон ижроҷиси Чидем Гурдал ёгаллади. Улар 7 минг АҚШ доллари микдорида мукофот билан тақдирланди.


Ансамбл жамоалари орасида учинчи ўринин Хитойнинг «Шинжон» бадиий театрни «Мақом» бадиий труппаси ёгаллаган бўлса, яккахон ижроҷиларида хиндионистлик Али Амжад Хон соғиронлорликка лойик кўрилди. Уларга 5 минг АҚШ долларидан берилди.

Шунингдек, «Энг яхши мақом хонандаси», «Энг яхши мақом созандаси», «Энг яхши мақом устози», «Энг яхши мақом тарғиботчиси», «Энг яхши мақом макомчиги», «Энг яхши мақом бастакори» каби номинациялар голибларни ҳам тақдирланди. ЮНЕСКО, АЙСЕСКО, ТУРКСОЙ каби халқаро ташкилотлар номидан ҳам совфалар ёгалларига топширилди. Анжуманинг ҳар бир иштирокчisiga «Халқаро мақом санъати анжумани иштирокчisi» сертификати берилди.

Мукофотларни Республикаи Ўзбекистон Маданий вазири Озодбек Назарбеков, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев, Ўзбекистон Каҳрамони Муножат Йўлчирова ва бошқалар тантаналиравишида топшириди.

Тўрт кун давом этган халқаро анжуман ўз ишини якувалиди. Аммо унда тараflар маком наволари миллионлаб қалбаларга эзгулик бахш этишда давом этмоқда.

Мукимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»



MAKOM ART
INTERNATIONAL FORUM
ZAAMIN-2024

ISSN 2010-5002

2007-yil
11-iyonda
Ozbekiston
agentligida 116-roqam
bilan ro'yxata olingan

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hayati raisi),

Ulug'bek JALMENOV,

Anvar ABDUMUXTOROV,

Sayfullah AHMEDOV,

Akmal SAIDOV,

Ravshan BEGILOV,

Qutlimurot SOBIROV,

Suhrob RAFIQOV,

Shoqosim SHOISLOMOV,

Hamidulla PIRIMQULOV,

Nodira G'YOBINAZAROVA,

Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning
birinchi o'rinosari),

Mehriddin SHUKUROV

(Mas'ul kotib – «Ishonch»-Doverie»),

Valentina MARSENAYAK

(Mas'ul kotib – «Ishonch»-Doverie»)

Bosh muharrir

Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalarini hayoti –

(71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot –

(71) 256-52-89

Milliy-ma'naviy

qadriyatlar va sport –

(71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar

bilan ishlash –

(71) 256-85-43

Marketing va obuna –

(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:

Qoraqalp'iston Respublikasi –

(+998-99) 889-98-20

Andjon viloyati –

(+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati –

(+998-99) 889-90-31

Jizzax viloyati –

(+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati –

(+998-99) 889-98-02

Samargand viloyati –

(+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati –

(+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati –

(+998-90) 379-19-70

Toshkent viloyati –

(+998-99) 600-40-44

Farg'on'a viloyati –

(+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati –

(+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati –

(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarni manba sifatida gazeta nomi ko'satilishi shart.

Mualiflar fikri tahririyat nüqtasi nazardan farqlanishi mumkin.

Navbishi muharrir:

J. Nahanov

Musahihilar:

D. Xudoyberganova,

D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abduljalilov

Bosishga topshirish vaqt – 19:00

Topshirildi – 19:30

Bahosi kelishilgan narxa

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz